



21«11»2022 yil.

656-13-194-MT/2022-son

PUDRAT SHARTNOMASI № 8.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Элликкалга тумани МТБ номидан Низоми асосида иш кўрувчи Ж.Балтаев бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Исламбай Рейимов МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи И.Рейимов иккинчи томондан, МТБга карашли 3-9-17-24 мактабгача таълим ташкилотларини иситиш қазонларини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шарномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлик тўғрисида ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчига» берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар -пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар -сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш -ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II- ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шарнома шартларига МТБга карашли 3-9-17-24 мактабгача таълим ташкилотларини иситиш қазонларини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III- ШАРТНОМА БҲЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «09» ноябрдаги лот 174148-сонли байённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмалар, ҚҚС 15% 23217391 (Йиргирма уч миллион икки юз ун

етти минг уч юз тўксон бир) сўм 30 тийинни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 178 000 000 (Бир юз етмиш саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили туғрисида хабардор қилиш;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

Қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш туғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

Қурилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага, иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари нагжаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 90 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдоридан аванс ўтказилади, бу 53 400 000 (Эллик уч миллион тўрт юз минг) сўм 20 тийинни ташкил этади, қолган 70% яъни 124 600 000 (Бир юз йигирма тўрт миллион олти юз минг олти) сўм 0 тийин маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

17. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қилади.

18. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

19. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

20. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

22. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

X. КАФОЛАТЛАР

23. Пудратчи:

барча ишлар тўлиққажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини; ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларини курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни; объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг

0,5% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

25. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 % миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

26. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

27. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қилмайди.

28. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

29. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.

30. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди: қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини; шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини; моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

31. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

32. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.

33. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

34. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

35. Ушбу шартнома туман "Ғазначилик" бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабр гача ўз кучида қолади.

36. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

37. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

38. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (3 нусхада) тузилди.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

«БУЮРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
Элпикқалъа туман МТБ	ISLAMBAV REIMOV MCHJ

Манзил: Бустон ш Тел./факс 585 14 -72	Манзили: Эллиқалға тумани
ш/х*100 022 860 352 507 091 100 251 047	Тел факс 97-059-95-00
бюджетдан маблағ олувчи	х/р: 2020 8000 5050 5500 4001
СТИРи 207 267 646 ОКОНХ 92310	Банк номи: Халк банк Эллиқалға ф.
Ҳазначилик бўлинмаси номи	ИНН: 306 325 129 МФО: 00646
Эллиқалға Ҳазначилик бўлинмаси	ОКОНХ:
Ҳазна х/в 23 402 000 300 100 001 010	
Банкнинг номи МБТШББ МФО 00014	
Ҳазначилик бўлинчи СТИРи 201 122 919	
Рахбари: Ж. Балтаев	Рахбари: И. Райимов

	<p>Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.</p>	
	Imzolovchi F.I.SH.	DJAVLONBEK BALTAYEV KABULJANOVICH
	Imzolangan sana	29.11.2022 10:00
	Hujjat kodi	DE3246470130
	Hulosa kodi	PK2621423330

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

PK2621423330

1. Lovihaning turi : Pudrat Shartnoma
2. Lovihaning nomi: **Novabr kurulusi 6**
3. Loviha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Ellikqal'a tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 29.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Ellikqal'a tumani
yuridik xizmat
ko'rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:**



J.U.BEGMETOV

29.11.2022



**Товар-материал захираларни ҳамда ишларни (хизматларни) сотиб олиш бўйича
энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган танлаш комиссиясининг
4 -сонли мажлис баённомаси**

2022-йил « 21 » ноябр

соат 16 : 25 __

Бўстон шаҳри

Комиссия раиси	<u>Туркменбаев Эркинбой Курамбаевич</u> (ф.и.ш)	<u>Мактабгача таълими бўлими хўжалик мудир</u> лавозими
Комиссия аъзолари	<u>Моминов Хурсанд Аминбаевич</u> (ф.и.ш)	<u>Мактабгача таълими бўлими эксплуатация бўлими бошлиғи</u> лавозими
	<u>Сабиоров Уктам Абдуллаевич</u> (ф.и.ш)	<u>Мактабгача таълими бўлими бош ҳисобчиси</u> лавозими
	<u>Султанов Аллояр Зарипбаевич</u> (ф.и.ш)	<u>Мактабгача таълими бўлими муҳандиси</u> лавозими
	<u>Ҳакимбаев Мансуржон Аҳмедович</u> (ф.и.ш)	<u>Мактабгача таълими бўлими шартнома бўлим ҳисобчиси</u> лавозими
	<u>Нурмахашев Бекзод Сакен ўғли</u> (ф.и.ш)	<u>Мактабгача таълими бўлими кадрлар бўйича мутахассис</u> лавозими

КУН ТАРТИБИ :

танлаш комиссияси котиби танлаш комиссиясига куйидаги маълумотларни берди:

Ушбу энг яхши таклифни танлаб олиш мактабгача таълими бўлимининг бюджет маблағлар ҳисобидан 3-9-17-24-сонли мактабгача таълим ташкилотларини қазонхоналарини жорий таълим ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги низомнинг (текстда кейинги ўринларда - Низом)

58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифни танлаб олиш ўтказилиши ҳақидаги порталида (<http://dxarid.uzex.uz/>) эълон танлаш қатнашувчиларининг қабул қилиш муддати якунига 5 (беш) иш куни олдин давлат буюртмачиси томонидан шахсий кабинет орқали 2022 йил 9 ноябр куни 174148-сонли лот жойлаштирилди.

Шундан, энг яхши таклифларни олиш ўтказилишидаги эълон (<http://xarid.uzex.uz/>) сайтида жойлаштирилди.

Танлаб олиш бошлангич суммаси: **178 362 344,00** сўм

Шу муддатларда ўзининг тижорат таклифларини куйидаги қатнашувчилар топширди:

Таклифларни баҳолаш

№	Товар (иш, хизмат) номи	танлашнинг бошлангич суммаси:	Қатнашувчиларнинг тижорат таклиф суммаси (сумда)	
			ООО ISLAMBAY REIMO	"BO'STON UNIVERSALSTROY" MCHJ
1.	5 сон мактабгача таълим ташкилоти қазонхоналарини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш	178 362 344,00	178 000 000,00	178 250 000,00
ЖАМИ:			178 000 000,00	178 250 000,00

Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари ҳақида"ги низом талабларига ҳамда юқорида кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олиб танлаш комиссияси
Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Исламбой Реймов МЧЖ 3-9-17-24-сонли мактабгача таълим ташкилотларини қазонхоналарини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича ўтказилган танлашда

1. (ҚҚС билан бирга) танлаш ғолиби деб топилсин.
2. Ғолиб танлаш шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги қатнашувчига (резерв) ўтиб, кейинги қорхонаси белгилансин. Бунда ғолиб қатнашувчи таклиф қилган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.
3. Низом талабларига мувофиқ танлаш қатнашчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ҳам баҳолаш муддати таклифлар бериш куни туғашидан 10 (ўн) иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.
4. Мактабгача таълими бўлимининг бош ҳисобчиси Сабиоров Уктам Абдуллаевич танлаш якуни бўйича расмийлаштирилган баённомани давлат харидлари порталига муҳокама учун 2 (икки) иш кунига жойлаштириш топширилсин.
5. Танлаш комиссияси котиби ушбу танлашга тегишли барча ҳужжатларни белгиланган тартибда сақлаш таъминлансин. Мактабгача таълими бўлими бош ҳисобчиси Сабиоров Уктам Абдуллаевич ушбу 2 (икки) иш куни ичида 15-сон мактабгача таълим ташкилоти қазонхонасини жорий таъмирлаш ишлари учун қатнашувчилари томонидан ўтказилган танлаш натижалари бўйича бошқа пудратчи ташкилотлардан эътирозлар келиб тушмади, ғолиб ташкилот Исламбой Реймов МЧЖ деб топилди ва шу қорхона билан шартнома тузилсин.

Комиссия раиси

Туркменбаев Эркинбой Курамбаевич
(ИМЗО)

Туркменбаев Эркинбой Курамбаевич
(ф.и.ш)

Комиссия аъзолари

Моминов Хурсанд Аминбаевич
(ИМЗО)

Моминов Хурсанд Аминбаевич
(ф.и.ш)

Сабиоров Уктам Абдуллаевич
(ИМЗО)

Сабиоров Уктам Абдуллаевич
(ф.и.ш)

Султанов Аллояр Зарипбаевич
(ИМЗО)

Султанов Аллояр Зарипбаевич
(ф.и.ш)

Ҳакимбаев Мансуржон Аҳмедович
(ИМЗО)

Ҳакимбаев Мансуржон Аҳмедович
(ф.и.ш)

Нурмахашев Бекзод Сакен ўғли
(ИМЗО)

Нурмахашев Бекзод Сакен ўғли
(ф.и.ш)